

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ

*Тўлқин АЗИМОВ,
Тошкент ислом институти
Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси,
+998909510207*

Аннотация: Бу мақолада шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижоддан ташқари давлат бошқарувида ҳам иштироки этгани, қайси лавозимларда ишлагани, амалдорлик даврида амалга оширган ишлари, унинг сиёсий фаолиятига замондошларининг муносабати, дўсти Ҳусайн Байқаронинг позицияси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Навоий, ижод, сиёсат, давлат, вазир, ҳоким, муҳрдорлик, Бойқаро, қурилиш, Ҳирот, Самарқанд, Астробод, Аҳроп Валий.

Алишер Навоий оддий шоир ёки аллома эмас, балки етук сиёсатдон, йирик давлат арбоби ҳам эди. У Самарқанддалик вақтида шаҳар ҳокими, асли ҳиротлик Аҳмад Ҳожибек Вофий билан танишиб қолади. Ҳоким ўзи шоир бўлгани учун ҳам Алишер Навоийга алоҳида хурмат билан қарайди. Унинг тавсияси билан Алишер Навоий давлат ишлари билан ҳам шуғуллана бошлайди. Навоийнинг Самарқанддаги сиёсий ва давлат фаолияти юқори баҳоланиб, унга “Чигатой амири” унвони берилади.

Навоий 1469 йили Ҳиротга қайтганида султон Ҳусайн Бойқаро уни муҳрдорлик мансабига қўяди. 1472 йилнинг феврал ойида эса уни ўз саройининг бош вазири қилиб тайинлайди ва унга “Амири кабир” унвонини беради. Алишер Навоий янги лавозимига тайинланган кундан бошлаб бор кучини эл-юрт хизматига қаратади. Мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга киришади. Вақф ишларини тартибга солади. Ўлканинг моддий ва маданий равнақига катта аҳамият беради. Юрт кун сайин обод бўла бошлайди¹.

Алишер Навоийнинг мавқеи халқ орасида тобора ортиб бориши фақат ўз манфаатини кўзлайдиган айрим аъёнларга ёқмай қолади ва иш у билан подшоҳ ўртасини бузилишига бориб етади. Натижада Алишер Навоий пойтахтдан четлатилиб, Астрободга ҳоким этиб тайинланади. Аммо маърифатли, мухлис ҳукмдор у ерда ҳам юрт-эл фаровонлиги ва осойишталиги учун кучини аямайди, шаҳар ободонлашиб, савдо-сотик ишлари ривож топади.

¹ Алишер Навоий тўла асарлар тўплами, 10-жуз. – Тошкент: “Ғафур Ғулом” номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.

Икки йилдан сўнг Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг пойтахтга қайтишини сўрайди ва унга бир неча юксак лавозимларни таклиф қилади. Навоий рози бўлмагач, унга “Муқарраби ҳазрати султоний”² деган расмий унвон беради. Бу унга давлатнинг ҳамма ишларига аралашиш ҳуқуқини берар эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Навоий асли ижод кишиси бўлиб, давлат мансабларида ишлашга уни фақат эл-юрт ташвиши ундаган эди. У “Ким бир ишга талаб қилинса, унга ёрдам берилади. Ким бирор ишни ўзи талаб қилса, у унинг ўзига ташлаб қўйилади” деган набавий ҳикматга амал қилар эди. Буни унинг бир неча бор лавозимидан истеъфога чиқишга бўлган ҳаракатидан ҳам тушуниш мумкин. Аммо у улўф устозларнинг маслаҳатлари билан хизматда давом этди. Буюк мутасаввиф олим Хожа Аҳрор Валий раҳматуллоҳи алайҳнинг мактубларидан иборат “Мажмуъаи мурсалот” – “Мактублар мажмуаси” тўпламидаги мактубларнинг бирида Хожа ҳазратлари Алишер Навоийдан вазирлик мансабидан кетмаслигини илтимос қилгани қайдланган. Хожа Аҳрор Валий жумладан шундай ёзади:

“Эшитишимизча, баъзи воқеа ва ҳодисалар сабабли онҳазрат Ҳусайн Бойқаронинг мулозаматида бўлишдан сиз жаноблари малоллик чекаётган эмишсиз. Илтимос шуки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарафингизни саройда мулозамат қилиш учун қаратсангиз... Умидимиз шуки, бирор фақирнинг хотири бирон-бир қийинчиликлардан нажот топиб, унинг кўнгли хурсандчиликка етишиши эвазига дилингизда шундай равнақлик ҳосил бўлсаки, дунёвий паришонликка қарамай, Ҳақ таолога етишиш завқи ошиб борса. Ҳеч ким мусулмонларнинг ғамини емай қўйган бу вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади”.

Хожа Аҳрор Валий бу билан чегараланиб қолмай, шу мазмунда Абдурраҳмон Жомий раҳматуллоҳи алайҳга ҳам мактуб йўллайди:

“Сиз жанобларидан илтимос шуки, гоҳо ўзингизни мавлоно Алишер жанобларининг мулозаматларига етқуриб, бу фақирни уларнинг хотири шарафларига солиб, илтимос қилингки, холисанлиллоҳ, ҳеч қандай дағдаға ва фикрга берилмай, ҳазрати салтанат шоир Ҳусайн Мирзо қошларида нима қилиш керак бўлса, қилаберсалар. Чунки мусулмонларга яхши бўладиган ишлар билан фойда етказиш, ҳақиқатда, уларнинг икки дунёси учун яхшидир”.³

Ҳазрат Навоий айнан ушбу кўрсатмалар асосида, юрт равнақи ва халқ манфаатини ҳимоя қилиш учунгина давлат ишларини зиммасига олган эди. Аллоҳнинг олдида масъулият, адолатпарварлик туйғулари у кишини ана шундай хизматларга камарбаста қилган эди.

² Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси.

³ “Табаррук рисоалар” китоби. –Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2004.

Алишер Навоий давлат ишларида фаол бўлиш билан бирга, амир ва амалдорларни тинимсиз адолатга чақириб, тергаб турар, уларга насиҳат қилар, мактублар йўллар, давлат-идора ишларида йўл кўрсатар эди.

Ҳазрат Навоий халқ ҳаётининг фаровонлиги йўлида бир умр толмай хизмат қилди. “Одамий эрсанг демагил одамий, оники йўқ халқ ғамидин ғами” деган ҳикматли сўзи аслида унинг ҳаётдаги асосий шиори эди.

Навоий катта мулкдор бўлиб, бойлик ва унга кишининг муносабати қандай бўлишини ўз ҳаётларида кўрсатиб бердилар. Ўзларига тегишли боғлар экин майдонлари ва дўконлардан катта миқдорда даромад олганлар ва бу даромадларнинг деярли ҳаммасини инсонпарварлик, халқпарварлик ва ободончилик мақсадларига сарфлаган⁴.

“Макоримул ахлоқ”да Хондамир ҳазрат Навоий қурдирган иншаотларни келтиради. Жумладан қайд қилишича, Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурган ёки таъмирлаттирган. Улар орасида Ҳиротдаги “Ихлосия”, “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” тибгоҳи, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган “Дорул ҳуффоз” биноси, Марвдаги “Хусравия” мадрасаси, Машҳаддаги “Дорул-хуффоз” хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморлик ёдгорликлари бор⁵.

Туркий халқлар, жумладан юртимиз аҳолиси учун умумий тарихий шахс улароқ илмий-маданий соҳада, шу билан бирга давлат бошқуруви, сиёсий фаолиятда ҳам юксак намуна кўрсата олган Алишер Навоий ҳаёт йўли барча даврлар учун эътиборлидир. Ёзган шеър у ғазалларининг барҳаётлигига муаллифнинг шахс сифатида биринчи ўринга иймон-этикод, халқ дардини кўйгани сабаб десак муболаға бўлмайди. Навоийни илк тасаввуримизда шоир сифатида гавдалантирсак, сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаолияти билан комил инсон ғоясини ҳаётининг мазмунига айлантгани билан қарашларимизни янада бойитади.

Манбалар:

1. Алишер Навоий тўла асарлар тўплами, 10-жуз. – Тошкент: “Ғафур Ғулом” номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013;
2. “Табаррук рисолалар” китоби. – Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2004;
3. Абдулла Аъзам. Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳ. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2018;
4. Алийбек Рустамий. “Ҳазрат Навоийнинг этикоди”. – Тошкент, 2010.

⁴ Абдулла Аъзам. Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳ. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2018.

⁵ Алийбек Рустамий. “Ҳазрат Навоийнинг этикоди”. – Тошкент, 2010.